



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ
ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ



ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ
ИННОВАЦИОН
МЕТОДИКАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
МАРКАЗИ



“ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ
ТИЛЛАР” ЭЛЕКТРОН
ЖУРНАЛ ВА ИНТЕРНЕТ
ПОРТАЛИ



Für die Deutschlehrer-Ausbildung
an Hochschulen weltweit

ГЕРМАНИЯ АКАДЕМИК
АЛМАШУВ ХИЗМАТИ
(DAAD)НИНГ ТАЪЛИМ
ДАСТУРИ



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ГЕТЕ-ИНСТИТУТИ

АХБОРОТ ХАТИ

ЎзДЖТУ хузуридаги Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази, Ўзбекистондаги Гёте институти, Германия Академик Алмашув Хизмати (DAAD)нинг “Dhoch3” таълим дастури ҳамда “Ўзбекистонда хорижий тиллар” номли электрон

илмий-методик журнал ва Интернет портали – FLEDU.UZ ҳамкорлигида **2020 йил 27-28 ноябрь** кунлари «**Рақамли технологиялар даврида немис тилини ўқитиш**» мавзуида халқаро илмий-амалий онлайн анжуман ўтказилади. Анжуман замонавий илм-фаннинг энг долзарб илмий мавзуларини, янги ўқув дастурларни, ҳамда техник ва услубий ишланмаларни акс эттиришга қаратилган.

АНЖУМАННИНГ МАҚСАДИ: таълим соҳаси, хусусан, чет тилларини ўқитиш соҳасидаги инновацион технологиялар, янги ўқув-услубий ва техник имкониятлар, замонавий педагогика муаммолари ва долзарб масалалари юзасидан илмий фикр-мулоҳазалар алмашишдан иборат.

Анжуман таълимнинг барча босқичларида немис тилини ўқитиш жараёнига энг сўнгги тадқиқотлари, шунингдек, рақамли технологиялар соҳасидаги илғор хорижий ва миллий тажрибани жорий этиш натижаларини ўз ичига олади.

АНЖУМАН ИШЧИ ТИЛЛАРИ: немис, ўзбек ва рус тиллари.

АНЖУМАННИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ:

1. Олий таълим тизимида DLL – дастури: амалиётда қўллаш, натижа ва муаммолар.
2. Узлуксиз таълим (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий ва ўрта махсус таълим) тизимида замонавий дастурлар ва рақамли



технологиялар (смарт-дастурлар, рақамли иловалар, янги таълим йўналишлари: MINT, CLIL в.б.).

3. Немис тили бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида замонавий дастурлар ва рақамли технологиялар.

4. Немис тили бўйича мультимедиявий ўқув материаллари ва онлайн ресурсларни яратиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш.

5. Немис тилини онлайн-масофавий ўқитишнинг муаммолари.

АНЖУМАННИ ЎТКАЗИШ ВАҚТИ: 27-28 ноябрь, 2020 йил

АНЖУМАННИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ: мазкур илмий-амалий анжуман **ZOOM** платформасидан фойдаланган ҳолда махсус ташкил этилган **uzspic.uz** сайтида 2 кун давомида ўтказилади. Анжуман иштирокчиларга уланиш учун ҳаволалар юборилади.

Анжуманнинг 1–куни (**27.11.2020й.**) вазирлик ва бошқа ташкилот мутасадди ходимлари, халқаро ташкилот ва ўқув марказ вакиллари, халқаро экспертлар, соҳа мутахассислари, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар иштирокида онлайн ялпи йиғилиши ўтказилади.

2–куни (**28.11.2020й.**) эса алоҳида шўъба йиғилишларида Анжуманнинг асосий йўналишлари бўйича Европа, Ўзбекистон ва бошқа давлатлар мутахассис ва референтларининг илмий маърузалари тингланади, баҳс-мунозаралар ташкил этилади.

Анжуманга келиб тушган илмий маърузалар, тезислар, дастур, пресс-релиз, Анжуманнинг ёзиб олинган видео шакли ва бошқа барча материаллар **uzspic.uz** ва **conference.fledu.uz** сайтларига жойлаштирилади. Муносабат, изоҳ, савол-жавоб, фикр-мулоҳазалар ҳар бир мақола остидаги махсус бандда давом этади.

Анжуманнинг ялпи йиғилиши ижтимоий тармоқларда тўғридан-тўғри stream қилинади.

Анжуман материаллари тўпламида чоп этиш учун юбориладиган тезисларига қўйиладиган талаблар:

- анжуман материаллари немис, ўзбек ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин;

- материаллар анжуман йўналишларига оид долзарб мавзуларда бўлиши ҳамда немис, ўзбек ва рус тилларидаги аннотация (камида 50 та сўз), калит сўзлар (5-7 та) ва 3x4 ҳажмдаги муаллиф фотосурати билан бирга тақдим этилиши лозим;

- илмий тезис матнлари таҳрир қилинган ҳолда А4 ўлчовдаги қоғозда, юқоридан ва пастдан 2,5 см., чапдан 3 см., ўнгдан 1,5 см. жой қолдириб ёзилади. Материалнинг номи, 1,5 интервалдан сўнг муаллифнинг исми, отасининг исми ва фамилияси, лавозими бош ҳарфларда ёзилади. 1 интервалдан кейин ташкилот ва шаҳар номи кўрсатилади. Сўнгра 1,5 интервал қолдириб матн 1,5 интервалли қаторларда ёзилади. Матннинг электрон нусхаси MS Word дастурида, Times New Roman шрифтида, 14 кегл катталигида 1,5 интервалда бўлиши ва 4-5 бетгача ҳажмда бўлиши лозим. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати матн охирида берилади;

- тезисни сақлашда анжуманнинг тегишли шўъба (йўналиши) рақами ва муаллиф фамилияси ёзилади. (Масалан: **1_Холмирзаев В.У.docx**);

- энг яхши мақолалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган “**Замонавий таълим**” zamonaviytilim@itm.uz илмий-амалий оммабоп журналида ёки “**Ўзбекистонда хорижий тиллар**” <https://journal.fledu.uz/uz> электрон журналида бепул чоп этилади (илмий мақола талаблари мақолалар муаллифларига юборилади).

Тезислар жорий йилнинг **15 октябрга**ча электрон шаклда:

conference.uzspic@gmail.com электрон почта ёки **+99899 6304923**

Телеграм манзили орқали юборилиши лозим (эълон қилиниш санаси 30 октябрь).

- юборилган тезислар таҳрир ҳайъати томонидан кўриб чиқилади, плагиатга текширилади. Сараланган тезислар муаллифларига жорий йилнинг **30 октябрга** қадар мақоласи қабул қилинган ёки қилинмаганлиги ҳақида хабар қилинади. Ҳаммуаллифлар иккитадан ортиқ бўлмаслиги ва бир муаллифдан мақола биттадан кўп бўлмаслиги лозим.

- кўрсатилган муддатдан кечикиб тақдим этилган, белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган, анжуман мавзуси ва йўналишларига мос келмайдиган тезислар таҳрир ҳайъати томонидан кўриб чиқилмайди.

- Тўпламга профессор-ўқитувчилар, докторантлар, мустақил изланувчилар, магистрантлар ҳамда таълим муассасалари ўқитувчилари илмий тезисларини топширишлари мумкин.

Анжуман тўпламига тақдим этилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун муаллиф(лар) шахсан жавобгардир. Анжуманда ўз маърузалари билан фаол қатнашган иштирокчиларга сертификат берилади.

Ташкилий қўмита манзили. Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Г-9А мавзеси, Кичик ҳалқа йўли кўчаси 21 А-уй (индекс 100138). ЎзРИАИМ 113-хона.

Қўшимча маълумотлар учун:

Ибрагимова Васида +998 935705188

Таджибаева Дилбар +99899 6304923

Анжуманда қатнашмоқчи бўлган иштирокчилар қуйидаги

АНКЕТАни

тўлдириб ўзларининг маърузаларини тақдимотлари билан бирга conference.uzspic@gmail.com электрон почта ёки +99899 6304923

Телеграм манзили орқал юборишлари сўралади. *

Фамилияси, исми, отасининг исми	
Илмий даражаси, Илмий унвони	
Асосий иш жойи, Лавозими	
Телефон рақами (код кўрсатилган ҳолда)	
Е-mail	
Маъруза номи	
Маърузанинг аннотацияси (немис тилида)	
Мақола электрон шаклини веб- порталида / платформада жойлашига розиман	ҳа <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/>
Анжуманда маърузамни веб- портали/ платформа орқали кўрсатишга ҳамда ёзиб олинишига розиман	ҳа <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/>

* Анкетани сақлашда муаллиф фамилияси ёзилади.

(Масалан: **анкета_Холмирзаев В.У.docx**)

НАМУНА


УДК 373.31

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРГА ЧЕТ ТИЛИНИ
ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

Таджибаева Дилбар Ахмедовна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
хузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий
методикаларини ривожлантириш Республика илмий-
амалий маркази, илмий ходими

e-mail: diltadsch@mail.ru



уяли телефон: +998909907299

Таянч сўзлар: матн, матн, матн,

Ключевые слова: текст, текст, текст, ...

Schlüsselwörter: Text, Text, Text, ...

Аннотация: матн матн матн матн матн матн матн матн матн матн матн матн матн
матн матн матн матн матн матн матн матн матн матн матн матн ...

Аннотация: текст текст текст текст текст текст текст текст текст текст текст
текст текст текст текст текст текст текст текст текст текст текст ...

Abstract: Text Text Text Text Text Text Text Text Text Text Text Text Text
Text Text Text Text Text Text Text Text Text Text Text Text ...

АДАБИЁТЛАР:

1. Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти. Таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг чет тиллари бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й. – Б. 2-3.
2. Нюрнбергские рекомендации по изучению иностранных языков в раннем возрасте. Goethe-Institut München e.V., 2013. – С. 22-23.